Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 26 (477) 2021 йил 6 апрель, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI



UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Андижон шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудини Регистон майдони билан боғловчи замонавий кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Узунлиги 48, баландлиги 5,7, кенглиги 3 метр бўлган иншоотга **2 713,6 млн** сўм сарфланди.

Сурхондарё вилоятида "Сурхон-саноат-таъминот" МЧЖнинг "Термиз халқаро савдо маркази" лойиҳаси тақдим этилди. У Термиз туманидаги "Айритом" МФЙдаги **26 гектар** майдонда бунёд этилади.

Қашқадарё вилоятидаги кўп қаватли уйлар ва унга туташ ҳудудларда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан ишлаб чиқилган дастур бўйича 2021 йилда **18, 237 млрд** сўм йўналтирилмоқда.

Хива шаҳридаги Нажмиддин Кубро кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлар атрофидаги **ноқонуний қурилмалар бузилмоқда**. Бундай тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилади.

Ромитан тумани марказида жойлашган "Хотира хиёбони" ўрнига **истироҳат боғи** қуриладиган бўлди. Лойиҳа бўйича кўнгилочар масканлар, аттракцион, велосипед йўлаклари ҳамда бошқа бунёдкорликлар режалаштирилган.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зарифни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси келтириб чиқарган мураккаб шароитларга қарамай, Ўзбекистон – Эрон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Муҳаммад Жавад Зариф, ўз навбатида, самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Эрон Президенти Ҳасан Руҳонийнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорлик масалаларига, савдо алоқаларини ривожлантириш ва янги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Эроннинг денгиз портларидан самарали фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Ўмон транспорт йўлагини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб жиҳатлари, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Эрон ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тинчлик музокараларига кўмаклашиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни халқаро "Иннопром" саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, "Иннопром" Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида илғор технологиялар ва замонавий ишланмаларни биргаликда илгари суриш мақсадида ўтказиб келинаётган энг йирик кўргазма ҳисобланади. Ушбу тадбир мамлакатимизда биринчи марта ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг кўламли амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига икки мамлакатнинг етакчи саноат компаниялари ва банк-молия институтлари иштирокида йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда амалга оширилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида маълумот берди.

Суҳбат чоғида бизнес ва ҳудудлар даражасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Пойтахтимизда "Иннопром" кўргазмасининг муваффақиятли ўтказилиши ушбу вазифаларни бажаришга хизмат қилиши таъкидланди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# "ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида:

**1.** Белгилансинки, **"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари** (кейинги ўринларда – Дастурлар) доирасида:

**а)** қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати **қуйидаги мезонлар** асосида шакллантирилади:

**олис ва табиий-иқлим шароити оғир** ҳудудларда жойлашганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аҳоли томонидан йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича келиб тушган **мурожаатлар сони**;

аҳоли ва тадбиркорларда ўзлари истиқомат қилаётган (жойлашган) қишлоқ (маҳалла) ҳудудини **биргаликда ободонлаштириш юзасидан ташаббусларнинг** мавжудлиги;

**"Туризм маҳалласи"**, **"Туризм қишлоғи"** ёки **"Туризм овули"** мақомига эгалиги;

**б)** қишлоқларда (маҳаллаларда) амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳамда уларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларни **туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда** тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида **ҳимоя қилади**;

**в)** ҳар бир қишлоқни (маҳаллани) **ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** тегишли қишлоқдаги (маҳалладаги) мавжуд имкониятлар, аҳолининг узоқ йиллар давомида шаклланган салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва "ўсиш нуқталари" инобатга олинган ҳолда белгиланади;

**г)** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан:

аҳолини **тоза ичимлик суви** билан таъминлаш, жойларда **оқова сув хандақлари** ва **санитария иншоотларини** барпо этиш;

**электр таъминотини**, жумладан, трансформаторлар ва нимстанциялар ҳолатини яхшилаш, **алоқа ва ахборотлаштириш тизимини** модернизация қилиш, аҳолига **газ ёқилғиси** узлуксиз етказиб берилишини ташкил этиш;

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАНИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА АРХИТЕКТУРА ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Андижон вилояти Асака туманининг архитектура қиёфасини янада яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4937-сон қарори билан тасдиқланган 2021 йилда инвестиция лойиҳалари доирасида инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастурга мувофиқ "Asaka city" турар жой мажмуасини қуриш" лойиҳасини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Андижон вилояти Асака тумани "Чек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Asaka city" замонавий кўп функцияли мажмуани (кейинги ўринларда – "Asaka city" мажмуаси) барпо этиш учун 53,3 гектар ер майдони танланганлиги;

"Avtosanoat-Injiniring" МЧЖ "Asaka city" мажмуаси лойиҳасининг (кейинги ўринларда – Лойиҳа) бош режасини (батафсил режалаштириш лойиҳасини) ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи этиб, "Tashgiprogor" АЖ эса танлов асосида бош лойиҳа ташкилоти этиб белгиланганлиги;

2020 йил 31 декабрга қадар Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларига рухсат олиш, тайёргарлик ишлари ҳамда Лойиҳани амалга ошириш бўйича бошқа харажатлар) "Avtosanoat-Injiniring" МЧЖ томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги;

"Avtosanoat-Injiniring" МЧЖ томонидан автомобилсозлик саноати ходимларини арзон турар жойлар билан таъминлаш мақсадида "Asaka city" мажмуасида бир қатор намунавий кўп квартирали уйларни қуриш ишлари бошланганлиги;

2021 йилдан бошлаб "Asaka city" мажмуасида объектларни қуриш инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан кредитлар, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги ва "Ўзавтосаноат" АЖнинг Андижон вилояти, Асака тумани, "Чек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга келиб қолган 53,3 гектар суғориладиган тошлоқ ва унумдорлиги паст бўлган ер майдонида Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ер майдони "Avtosanoat-Injiniring" МЧЖга ажратилишини таъминласин.

2-бет





# Йўллар очилиб, ришталар боғланди

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўтган ҳафта Фарғонада яна бир тарихий воқеа – Риштон – Сўх йўли қайта очилди. Вилоят божхона бошқармасига қарашли "Риштон" ҳамда Қирғизистоннинг "Қайтпас" чегара божхона постлари орқали фуқаролар ва енгил автомашиналар ҳаракатланиши тикланди.**

Чегара постларининг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими ва Баткен вилояти губернатори икки қўшни вилоятларнинг турли соҳа раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Ҳар икки вилоят раҳбари ўз сўзида қўшничилик муносабатлари абадий бўлишини таъкидлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу йўлларнинг очилиши орқали фуқароларнинг ҳаракатлари соддалаштирилади. Товарларни ташиш учун таъриф ставкаси камайтирилади. Давлат чегаралари билан боғлиқ кўплаб масалалар ўз ечимини топади ва бу жараёнлар икки халқ вакилларига жуда маъқул келмоқда.

– Ўзбекистонда дўстларим кўп, – деди Баткен вилоятининг Мингчинор қишлоғида истиқомат қилувчи Келдивой ота Бакиров. – Энди бемалол Риштонда яшовчи дўстларим билан дийдорлашиш имкониятига эга бўлдим. Бунинг учун ҳар икки мамлакат раҳбарларидан миннатдормиз.

Шу куни Қирғизистон Республикасининг Баткен вилояти, Қадамжой районидаги Отукчи, Мингчинор, Оқтурпоқ ҳамда Фарғона вилояти, Сўх туманининг Тул, Лембург, Ғазнов каби қишлоқларини боғловчи Тул қишлоғи ҳудудидан ўтган қадим Сўх дарёси устига қурилган кўприк йўл тантанали равишда очилди.

# Мутахассислар тайёрлашда янги тизим

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда замонавий қурилиш соҳасида ҳам малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани сабабли ҳудудларда мутахассислар тайёрлаш марказларининг фаолияти йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида янги ўқув марказлари иш бошлади.**

Самарқанд шаҳридаги собиқ Темурбеклар мактаби ҳарбий академик-лицейи биносида ташкил этилган марказ 12 миллиард сўм маблағ ҳисобидан реконструкция қилиниб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда туман ва шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан йўлланма асосида юборилганлар касб-ҳунарга ўқитилади.

– Уч ой муддатда тингловчиларни қурилиш соҳасига тайёрлаш кўзда тутилган, – дейди Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази раҳбари Ойбек Расулов. – Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, уларнинг буюртмаси бўйича мутахассисларни ўқитамиз.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ҳам шундай марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маълумотларга кўра, 1 миллиард сўм маблағ эвазига ўқув устахоналари, 300 ўринли ётоқхона, замонавий мебель ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган машғулот хоналари ташкил этилган.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№26 (477) 2021 йил 6 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# “ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1-бет

**ички автомобиль йўллари**, **пиёдалар йўлаклари**, **транспорт тўхташ бекатлари** ва бошқа йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўлбўйиларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;

**қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини** ривожлантириш, ирригация тизимларини барпо этиш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, ариқларни тозалаш ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни фойдаланишга киритиш;

**ижтимоий соҳа объектлари**, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, туризм объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади.

**2.** Дастурларни **2021 йилда** амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида **туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари** томонидан:

мазкур қарорнинг 1-банди “а” кичик бандида белгиланган мезонлар асосида **ҳар бир туман ва шаҳардан** қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами **397 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинганлиги**;

йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини **қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурлари тасдиқланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

**3. 2021 йилда** барча туман ва шаҳардаги жами **7 794 та қишлоқ ва маҳаллада** умумий қиймати **20,8 триллион сўм**лик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини **молиялаштириш манбалари 1-илова**га мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **ички йўллар, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими, электр энергияси ҳамда газ таъминоти объектларини** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **2**, **2а–2н-иловалар**га мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **ирригация, алоқа ва ахборотлаштириш тизимларини яхшилаш, спорт ва болалар майдончалари** барпо этиш, **қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш** параметрлари **3**, **3а–3н-иловалар**га мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **ижтимоий соҳа объектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уй-жой фондини яхшилаш** параметрлари **4**, **4а–4н-иловалар**га мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **жамоат транспорти, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизими ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш** параметрлари **5**, **5а–5н-иловалар**га мувофиқ;

**ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектларини** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **6**, **6а–6н-иловалар**га мувофиқ;

**ички йўлларни** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **7**, **7а–7н-иловалар**га мувофиқ;

**паст кучланишли электр тармоқларини** янгилаш ва модернизация қилиш параметрлари **8**, **8а–8н-иловалар**га мувофиқ;

**туризм инфратузилмасини** ривожлантириш параметрлари **9**, **9а–9н-иловалар**га мувофиқ;

**кичик саноат зоналари** фаолиятини ривожлантириш параметрлари **10-илова**га мувофиқ;

**туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш** параметрлари **11**, **11а–11н-иловалар**га мувофиқ;

**ирригация объектларини** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **12**, **12а–12н-иловалар**га мувофиқ;

**газ таъминоти** тизимини яхшилаш параметрлари **13**, **13а–13н-иловалар**га мувофиқ;

**алоқа ва ахборотлаштириш тизимини** ривожлантириш параметрлари **14**, **14а–14н-иловалар**га мувофиқ;

**ижтимоий соҳа объектларини** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **15**, **15а–15н-иловалар**га мувофиқ;

**фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, маҳалла гузарлари ҳамда маданият марказларини** қуриш ва таъмирлаш параметрлари **16**, **16а–16н-иловалар**га мувофиқ;

**жамоат транспорти ва маиший чиқиндилар билан ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш** параметрлари **17**, **17а–17м-иловалар**га мувофиқ;

**қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш** параметрлари **18**, **18а–18м-иловалар**га мувофиқ;

**спорт ва болалар майдончалари** барпо этиш параметрлари **19**, **19а–19м-иловалар**га мувофиқ;

**уй-жой фондини яхшилаш** параметрлари **20**, **20а–20н-иловалар**га мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Ариповга, зарур ҳолларда, Дастурлар параметрларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида **ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш** ҳуқуқи берилсин.

**4.** Белгилаб қўйилсинки:

**а)** Дастурлар доирасида:

ижтимоий соҳа, ичимлик суви таъминоти, оқова сув тизими ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари учун ажратиладиган маблағлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги **“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармалари орқали** молиялаштирилади;

электр энергияси, табиий газ ва телекоммуникация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш тегишинча “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг **ўз маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади;

**б)** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан, Дастурларга тасдиқланган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган **қўшимча лойиҳалар киритилиши** ёки **истиқболсиз лойиҳалар чиқариб ташланиши** мумкин;

**в)** объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Дастурлар доирасида ажратилган **маблағлар етишмаган тақдирда**, ушбу объектларни қуриш-таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари** ҳисобидан қопланади;

**г) 2021 йил 1 ноябрга** қадар **Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида давлат-хусусий шериклик шартлари** асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларини Қурилиш вазирлиги томонидан маъқулланган **намунавий лойиҳаларга** мувофиқ барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига **тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан** ажратилиши мумкин.

**5.** Дастурлар доирасида амалга ошириладиган **қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар** этиб:

**ичимлик суви таъминоти объектлари** (ижтимоий шериклик лойиҳалари бундан мустасно) бўйича – **“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”** унитар корхонаси, соҳадаги **ижтимоий шериклик лойиҳалари** бўйича – **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги**;

**ички автомобиль йўллари** (Тошкент шаҳри кўчалари бундан мустасно) бўйича – Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги **“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”** давлат унитар корхонаси, **Тошкент шаҳри кўчалари** бўйича – Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **“Ягона буюртмачи хизмати”** инжиниринг компанияси;

**электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқлари** бўйича – тегишинча **“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ**, **“Ҳудудгазтаъминот” АЖ**, телекоммуникация операторлари ва провайдерлари ҳудудий филиаллари;

**ижтимоий соҳа объектлари ва марказлашган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа объектлар** бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги **“Ягона буюртмачи хизмати”** инжиниринг компаниялари ҳамда вазирлик ва идоралар ҳузуридаги буюртмачи ташкилотлар белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Дастурлар доирасида **ички йўлларга қум-шағал аралашмасини ётқизиш** билан боғлиқ ишларни бажариш тўғрисида тузиладиган шартномаларда **30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни** амалга ошириш назарда тутилади;

Дастурлар билан қамраб олинган ҳудудлардаги газ истеъмолчиларига **электрон газ ҳисоблагичларини ўрнатиш** ҳамда ушбу истеъмолчиларни табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига улаш **навбатсиз** амалга оширилади.

**6.** Молия вазирлиги (Т. А. Ишметов):

**а)** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг талабномаларига мувофиқ:

Дастурлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари орқали **“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармаларига** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан жами **1 триллион сўм**гача маблағлар;

Дастурларда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **жорий йил якунига қадар қайтариш шарти** билан босқичма-босқич **1 триллион сўмгача бюджет ссудаси маблағлари** ажратилишини таъминласин;

**б)** маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан қурилган ва давлат ихтиёрига топширилган **ижтимоий соҳа объектларини сақлаш** билан боғлиқ харажатларни **2021 йил**да – тегишли соҳага ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирсин, **2022 йил**дан – Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

**7.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

**2021 йил 15 апрел**га қадар қишлоқ ва маҳаллаларда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурига мувофиқ объектларнинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини** таъминласин. Бунда, буюртмачилар томонидан лойиҳа ташкилотларини энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқлашга рухсат берилсин;

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳажми ва смета қийматларининг асоссиз равишда ошириб юборилмаслиги устидан **назорат ўрнатсин**;

Дастурларга киритилган **қишлоқлар ва шаҳар маҳаллаларининг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари** ҳудудий лойиҳа ташкилотлари томонидан олдиндан ишлаб чиқилишини ва улар билан боғлиқ тадбирларнинг тегишли **маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан** молиялаштирилишини таъминласин;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, якка тартибдаги ва кўп квартирали уйларни, маҳалла бинолари ва гузарларини таъмирлаш, пиёда йўлакларини барпо этиш, тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини молиялаштиришга **аҳоли ва ташаббускор тадбиркорлар маблағлари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари, тижорат банклари кредитлари** ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар жалб қилиш чораларини кўрсин;

**ҳар ой якуни** билан “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (А. Ж. Раматов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигига **Дастурлар доирасида бажарилган ишлар ва молиялаштирилган маблағлар бўйича ахборот** киритиб борсин.

**8.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. М. Бобоев), Молия вазирлиги (Қ. Х. Тапаров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурлар доирасидаги лойиҳаларнинг ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган, шунингдек, хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилаётган **лойиҳалар билан ўзаро боғлиқлигини** таъминласин. Бунда, қишлоқ ва маҳаллаларнинг йўналишлари ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган **3 триллион сўм**гача маблағ ҳудудлардаги инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил ва келгуси йиллар** учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини тегишли йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури билан **бир вақтда ва уйғунлашган ҳолда** шакллантирсин ҳамда уларни молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **ҳар йили 20 апрелга** қадар тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан келгуси йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритиладиган **қишлоқ ва маҳаллалар рўйхатини**, шунингдек, уларда амалга ошириладиган **қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш чораларини кўрсин.

**9.** Энергетика вазирлиги (А. С. Султонов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. А. Вафаев) билан биргаликда **уч ой муддатда паст ва ўрта кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш дастурини** амалга ошириш учун хорижий кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

**10.** Транспорт вазирлиги (И. Р. Маҳкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (А.А. Абдувалиев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Ҳ. Қўлдошев), Давлат геология қўмитаси (Б. Ф. Исламов), Давлат экология қўмитаси (А. И. Максудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда йўл қурилиши билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш**, шу жумладан, Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналарни **арзон қум-шағал хом ашёси билан таъминлаш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**11.** Адлия вазирлиги (Р. Қ. Давлетов) **икки ҳафта муддатда** Дастурлар доирасида танлаб олинган қишлоқ ва маҳаллаларда **давлат хизматлари марказлари филиалларини** ташкил этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқласин.

**12.** Қурилиш вазирлиги (Б. И. Закиров) Дастурлар доирасида объектларни қуриш-таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан тизимли **давлат назорати амалга оширилишини** таъминласин.

**13.** “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (А. Ж. Раматов) **мунтазам равишда** ҳудудларга чиқиб, Дастурлар ижросини таҳлил қилсин ва **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

**14.** Бош прокуратура (А. Ю. Мавлонов), Ҳисоб палатаси (Б. Т. Турабов) йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин ва **ҳар ой якуни** бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

**15.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А. Ж. Раматов, Ж. А. Кўчкоров, Бош прокурор Н. Т. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар ой якуни** бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2021 йил 2 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АСАКА ТУМАНИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА АРХИТЕКТУРА ҚИЁФАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бет

3. Белгилансинки, Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

“Avtosanoat-Injiniring” МЧЖ танланган ҳудудда “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида дирекциялар учун қонунчиликда назарда тутилган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси функциялари ва вазифаларини, хусусан, буюртмачи функцияларини бажариш, қурилишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда объектлардан фойдаланишни амалга оширади;

инвесторлар “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Avtosanoat-Injiniring” МЧЖ вакиллари иштирокида Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида лойиҳалар ташаббускорларини танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган энг яхши инвестиция таклифларининг танлови якунлари бўйича жалб қилинади;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи – дирекция функцияларини бажарувчи юридик шахс, инвесторлар, бош пудрат ташкилотлари ҳамда ташкилотлар-норезидентларга нисбатан “Business city” замонавий ишбилармонлик марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқ ва божхона имтиёзлари татбиқ этилади;

Лойиҳани амалга ошириш учун суғориладиган ер майдони ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги:

а) Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва “Ўзбектелеком” АК билан биргаликда:

**бир ой муддатда** Лойиҳани амалга оширишда муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ташкил этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини;

Лойиҳа объектларининг жойлашувига мувофиқ, Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети, шунингдек, хизматларни етказиб берувчилар маблағлари ҳисобидан Лойиҳанинг бўлиниш чегарасига қадар зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишлари бажарилишини;

б) суғориладиган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида Лойиҳа учун ажратилаётган суғориладиган ер майдонига тенг миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин.

5. Қурилиш вазирлиги Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуддаги объектларда қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда бажарилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2021 йил 2 апрель

# Шаффоф тендер сифатни таъминлайди




**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Баҳор келиши билан табиат инжиқликлари ҳар биримизни сергакликка чорлайди. Кучли шамол, ёмғир, сел келиши ҳудудлардаги йирик объектлар-у, кўприклардан тортиб, турар жойларнинг томигача синовдан ўтказади. Ўтган йилги талафотлар катта дарс бўлгани ҳолда, бу йилги ёмғир ва шамоллар ҳам ўз зарарини кўрсатиб, содир бўлаётган нохуш ҳодисалар қурилиш соҳасига холис баҳо бериш, бундан жиддий хулоса чиқаришга ундамоқда.**

Холисона таҳлил этсак, мазкур ҳолатга биргина пудратчи фирмаларнинг ўзигина айбдор эмас. Бунда илк бор режалаш ишларини олиб борувчи лойиҳа институтидан тортиб, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам, техник назоратчидан тортиб, дуруст бир нигоҳ ташламасдан лойиҳани маъқуллайдиганлар ҳам масъулдир.

Қурилиш соҳасидаги энг муҳим жараён бу – шубҳасиз тендер. Аммо бу жараён қандай ўтишини айрим “омонат” бинолар, йўллар, кўприклар мисолида кўряпмиз. Авваллари нохолислик асносида ўтадиган бу тадбир, бошланажак қурилиш объектининг пойдеворига кетган дастлабки дарз бўларди. Бу соҳада таниш-билишчилик, ака-укачилик шу қадар авж олардики, қатнашувчи пудрат ташкилоти ўзининг қурилиш техникаси эмас, балки биратўла “танка”сини ишга соларди. Тендер мутасаддилари эса объект таннархи арзонлигига эътибор қаратиб, каромат кўрсатувчи қурувчини ўз мезонида сараларди.

Албатта, эндиликда соҳага жорий этилаётган шаффоф тизимлар, онлайн тендер ўтказилиши, жараёндаги очиқлик ва холисликни таъминлабгина қолмай, чинакам қурувчиларни марду майдонда синайди. Қурилиш жараёнининг буюртмачи ёки уй эгаси томонидан назорат қилиб бориш имкони ва бошқа жорий этилаётган янги тартиблар қурилиш сифатига дахлдор яна бир муҳим жиҳат бўлиб хизмат қилади.

# Халқаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичда

**Лазизбек ИБРАГИМОВ,**
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси.

**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Бино ва иншоотлар кадастри кафедраси ташаббуси билан 2021 йил 1 апрель куни Қирғизистон давлат қурилиш, транспорт ва архитектура университети Геодезия ва геоинформатика кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, профессор Акилбек Чимиров томонидан ўзаро ҳамкорлик бўйича Англашув меморандумига мувофиқ "Ерни масофадан зондлаш материаллари асосида рельефнинг рақамли моделини яратиш" мавзусида халқаро онлайн дарс бўлиб ўтди.**

Халқаро онлайн дарсда икки таълим муассасасининг 200 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, магистрантлари ҳамда талабалари фаол иштирок этдилар.

Маърузачи Қирғизистон давлат қурилиш, транспорт ва архитектура университети, ундаги фаолияти, олиб борилаётган илмий ишлар, таълим соҳасидаги янгиликлар, талабаларга дарс беришдаги янги инновацион технологиялар, талабаларни магистратура йўналишларида ўқишларини давом эттиришлари юзасидан суҳбат олиб борди.

Бу каби ҳамкорлик алоқаларини томонлар кенг кўламда олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. Яъни биринчидан, икки таълим муассасаси ўртасида профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабалар алмашинуви тизимли йўлга қўйилади. Иккинчидан, маълум таълим йўналишлари бўйича ўқув дастурларини яратишда ўзаро тажриба алмашинув ташкил этилади. Шунингдек, учинчидан, янги долзарб илмий мавзулар юзасидан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш, илмий конференциялар, семинарлар ҳамда симпозиумлар ташкил этиш кўзда тутилаётир.

Халқаро онлайн дарс якунида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қизғин мунозара, савол-жавобларга бой ўтган ўқув-машғулоти барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

# SARS-CoV-2 вирусининг 32 геноми тўлиқ ўқилди

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
ЎзА мухбири.

**Инновацион ривожланиш вазирлиги буюртмасига мувофиқ, Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан коронавируснинг тўлиқ геномлари биринчи марта Ўзбекистонда ўқилди ва биоинформатик таҳлил ишлари олиб борилди.**



Натижалар коронавирус геном маълумотлари учун очиқ маълумотлар тармоғи – GISAID (https://www.gisaid.org) маълумотлар базасига жойланди ва тегишлича расмийлаштирилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ўз ҳудудида коронавируснинг барча вариантларини ДНК кетма-кетлигининг тўлиқ секвенлаган 50 мамлакат қаторига кирди.

Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан Тошкент вилояти санитария-эпидемиология ва жамоат соғлиғи бошқармаси ҳамда "Biogen Med" хусусий клиникасидаги бирламчи вирус юқтиргани тасдиқланган 62 фуқародан намуналар олинди. Янги авлод секвенатори ёрдамида уларнинг 32 геноми тўлиқ секвенлаш орқали таҳлил қилинди, бошқача айтганда, ДНК кетма-кетлиги ўқилди. Бу 29 мингта нуклеотид деганидир.

Олимлар қатор биоинформатик таҳлиллар ёрдамида (Nextclade) Ўзбекистонда тарқалган вирус вариантларини ҳозиргача ўқилган коронавирус маълумотлар базасидаги геномлар билан солиштирди. Натижада Ўзбекистондаги COVID-19 вариантларининг шажарадаги ўрни аниқланди. Унга кўра, мамлакатимизда учраётган COVID-19 нинг вариантлари GR (20B) ва S (19B) гуруҳларига мансублиги аён бўлди.

Шажаранинг GR (20B) тармоғида Ўзбекистон билан биргаликда асосан Европа, Осиё, Африка ва Австралия қитъаси вакиллари жойлашган бўлса, S (19B) гуруҳида эса Осиё ва Африкага хос вирус геномлари жойлашган.

Бу ушбу иккита гуруҳ орқали мамлакатимизга кириб келган вирусларнинг манбаи битта эмаслигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, SARS-CoV-2 вирусининг геном маълумотлари илк бор 2020 йилнинг январь ойида Хитойда аниқланган. Ўша пайтдан бошлаб бутун дунёда тарқалган коронавирус намуналари олиниб, геномларини секвенлаш ишлари бошланди.

Геномларни аниқлаш маҳаллий ва глобал миқёсда эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлиб, вируснинг эволюцион таҳлилини амалга ошириш, унинг қаерда пайдо бўлгани, қандай мутацияларга учрагани ва бошқа маълумотларни беради. Бу маълумотлар ёрдамида эса вакцина яратилади.

Ўзбекистонда тарқалган коронавирус вариантлари ҳақидаги маълумотлар айнан юртимизда тарқалган штаммларга қарши йўналтирилган миллий вакцинамизни яратиш учун ўта муҳим.

Юртимизда тарқалган COVID-19 вариантларининг тўлиқ геном ДНК кетма-кетликлари аниқланиши ва дунё маълумотлар базаси билан қиёсий таҳлиллари вируснинг Ўзбекистон шароитида ўзгаришини доимий мониторинг қилишдаги катта қадам бўлди.

Қолаверса, бу охирги йилларда Ўзбекистонда илм-фан ва олимларимизга яратиб берилаётган катта имкониятларнинг дастлабки натижаларидан биридир.

# Учкўприкда саноат ривожланади

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида уй шароитида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари яратиладиган савдо комплекси барпо этилади. 535 та оилани бирлаштирган ушбу комплекс 13,6 гектар ер майдонида қад ростлайди.**

Тумандаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра, "Бобошбек" МФЙда 252 та, "Бекмурод" МФЙда 57 та, "Зиғир" МФЙда 114 та, "Полахон" МФЙда 52 та, "Яккамулла" МФЙда 60 та хонадонда фуқаролар томонидан енгил саноат, яъни тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани ҳамда мазкур тадбиркорлик субъектларида 3287 нафар аҳоли иш билан бандлиги маълум бўлди.

Шунингдек, ҳудуддаги "Uchko'prik Duxoba-Dacron" корхонаси томонидан пахта чиқиндисини қайта ишлаш орқали целлюлоза қоғози ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг умумий лойиҳа қиймати 50 миллиард сўмни ташкил қилади. Корхона тадбиркорнинг 23 миллиард 700 миллион сўм ўз маблағи ҳамда Asakabank Қўқон филиалининг 2,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги кредити ҳисобига барпо этилмоқда.

Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг 200 тонна бўлган корхонада бир йилда 55 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Жорий йилнинг май ойида ишга тушса, яна 500 та янги иш ўрни яратилади.

# Қорақалпоқ тарихининг кўзгуси

**Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи 1929 йилда ташкил этилган.**

Дастлаб Тўрткўл туманида Ўлкашунослик музейи сифатида иш бошлаган иншоот 1944 йил Нукус шаҳрига кўчирилган. Бугунги кунда музейнинг этнография, табиат, археология, ҳунармандчилик, янги тарих ва фотография каби фондларида жами 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда.

2019 йил мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами арафасида музей янги замонавий бинога эга бўлди. Музейнинг Элликқалъа ва Мўйноқ туманларида ҳам филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

– Музейга ташриф буюрганлар Қорақалпоғистон ўлкаси тарихи, табиати, ҳудуддаги археологик ва маданий эсдаликлар, қорақалпоқ халқининг миллий этнографиясига оид экспонатлар билан танишишлари мумкин, – дейди музей директори ўринбосари Саня Бойбосинова. – Шунингдек, бу ерда таниқли адиб ва санъат арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари фаолиятига доир ноёб ашёлар ҳамда ёзма маълумотлар мавжуд.









**Суратларда:** Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи.
**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# IT дастурлари жорий этилди

**Коммунал соҳада аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, тўлов ва бошқалар бўйича янада қулайлик яратиш мақсадида, Навоий вилоятида фаолият юритаётган кўп қаватли уйларни бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига коммунал хизматларни ягона биллинг тизими ва истеъмолчиларнинг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этиш бўйича, республика миқёсида тажриба тариқасида IT дастури тест режимида иш бошлади.**

Ушбу дастур орқали мулкдорлар барча коммунал тўловлар учун ширкатлардаги махсус кассаларга бормасдан тўлаш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари ҳар бир мулкдорнинг шахсий ҳисобварағи (ҳар бир хонадон учун код) ишлаб чиқилган мобил илова билан шахсий кабинетлари орқали тўловлар тарихи ва қарздорлигини мунтазам кузатиб бориш имконияти яратилади.

Шунингдек, аҳолидан барча коммунал тўловларни қабул қилиш, кўп қаватли уй-жойларнинг техник хизматларини кўрсатиш бўйича, 1184 рақами орқали, 7/24 тизимида фаолият юритувчи "Тез коммунал хизмат" тури жорий этилди. Шу билан бирга, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманидаги 285 та лифт ускуналари ҳам ягона электрон бошқарув тизимига ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача кўп қаватли уйлардаги лифтлар соат 23.00 дан кейин ишлаши тўхтатилаётган бўлса, электрон бошқарувга ўтгач, улар туну кун ишлайди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Пискент туманида зиёрат туризми ривожланмоқда

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Тошкент вилояти Пискент тумани ўзига хос табиати, сўлим масканлари билан ажралиб туради.**

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Пискентда ҳам сайёҳларни жалб қилиш, зиёрат, қишлоқ хўжалиги туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда ташкил этилаётган меҳмон уйларига кирган кишининг таассуроти ортади. Ҳудуддаги зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан таништириш, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшаларини кўрсатиш мақсадида туман ҳокимлиги ахборот хизмати томонидан ОАВ вакиллари учун медиа-тур ташкил этилди.

Дастлаб, журналистлар "Қирққиз" зиёратгоҳига боришди. Ўрта асрларда машҳур бўлган Кўлота тарихий жой ҳисобланади. Бу ерда жами 40 та булоқ бўлиб, ҳозир 12 та булоқ сувидан зиёратчилар фойдаланади. Бу ер ўзига хос, кўркам табиат ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. Сайёҳлар бу ерга келса шу ерлик онахонлардан ёдгорлик билан боғлиқ афсоналарни тинглайди. Катта-катта тошлар остидан отилиб чиқувчи зилол булоқлар суви эса халқ орасида шифобахшлиги билан анча машҳур. Шу туфайли зиёратчилар бу ернинг табиатидан баҳра олиш билан бирга, булоқ сувидан ичишади.

Пресс-тур иштирокчилари шу куни Сурхондарё вилояти Бандихон туманидан келган бир гуруҳ кайвони онахонлар билан яқиндан суҳбатлашди.

– Бир неча кундан буён мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қиляпмиз, – дейди Улдона опа Тошева. – Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги қадимий обидалар, зиёрат масканларини бориб кўрдик. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Эндиги манзилимиз Фарғона вилояти томон кетаётган эдик. Йўл-йўлакай Пискентдаги ушбу зиёрат жойига ҳам келганимиз жуда зўр бўлди. "Қирққиз" зиёратгоҳи ҳақида кўп эшитган бўлсам ҳам авваллари келмаган эдим. Мана ташкилотчиларнинг кўмаги билан шундай сўлим гўшаларда ҳам меҳмон бўлдик.

Сурхондарёлик қувноқ онахонларнинг миллий қўшиқлари, рақслари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Жорий йил шаҳар ва туман ҳокимлари вилоят туризмни ривожлантириш департаменти билан биргаликда туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ўз муддатларида амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, улар томонидан хизматлар турини кенгайтириш мақсадида вилоятнинг ҳар бир ҳудуди имкониятларидан келиб чиқиб, жами 260 та оилавий меҳмон уйини янгидан ташкил этиш режалаштирилган.

Шундан сўнг навбатдаги манзил тумандаги "Маҳорат агротех сервис" фермер хўжалигига қарашли туячиликка ихтисослашган меҳмон уйлари бўлди. Хўжалик раҳбари Жалолиддин Жўраевнинг таъкидлашича, жорий йил бошида Гулистон маҳалласи ҳудудидан ўтувчи катта автомагистрал йўл бўйидаги фойдаланилмаётган ерда ўтовлар ташкил этилган. Йўловчилар тўхтаб туя сутини олиб кетади, меҳмон уйларида бир оз дам олиб қимрон ичишни одат қилган.

– Қадимдан ота-боболаримиз ушбу маҳсулотдан тўйимли, қолаверса, кўпгина хасталикларни бартараф қилувчи шифобахш ичимлик сифатида фойдаланиб келган, – дейди Жалолиддин Жўраев. – Шуни ҳисобга олиб, биз ҳам 10 бош туя боқяпмиз. Зарур озуқани мавсумда етарлича ғамлаймиз. Бунинг учун хўжалигимизда имконият етарли.

Мутахассислар журналистларга туячиликни ривожлантириш ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Шундан сўнг медиа-тур иштирокчилари давлат муҳофазасига олинган "Боғизиён ота" археологик ёдгорлигида бўлишди. Бу ерда Бобоғози бува қабри ҳам бор. Маълумотларга кўра, тахминан X-XI асрларда бу инсон ислом динини тарғиб қилган авлиё саналади.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа эканини алоҳида таъкидлади. Тошкент вилоятида ҳам йирик моддий-маданий мерос объектлари, зиёратгоҳларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят туманларида 828 та тарихий зиёратгоҳ, муқаддас қадамжолар рўйхатдан ўтказилган. Уларга йил бўйи зиёратчилар келиб туради.


## ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2021-01

**Проект:** "Строительство современных жилых домов в сельской местности" (Фаза-2)
**с участием Исламского банка развития**
**Форма финансирования:** Истисна'а
**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**
**ООО ИК "Кишлок курилиш инвест"**

Тендерные торги по отбору подрядных организаций для строительства четырех 4-этажных (2- и 3-х комнатных, 24 квартирных) жилых домов по типовым проектам в сельской местности Сырдарьинской области проводились с 18 февраля по 1 апреля 2021 года, согласно объявлениям, опубликованным в газетах "Qishloq hayoti" №7 (9118) от 18.02.2021 г. и "O'zbekiston bunyodkori" №17-18 (468-469) от 05.03.2021 г. и размещённым на веб-сайтах www.qqinvest.uz и www.tenderweek.com.

**Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:**

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Многоэтажный дом с 2-,3-х комнатными квартирами | | | Победители | Предложение победителя торга (сум) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | | |
| | **Сырдарьинская область** | **1** | **4** | **96** | | **4** | **14 908 821 206** |
| ИБР-1 | Баяутский | Учтургон | 1 | 24 | 1 | "SHOXRUX DEMIRBEK" MCHJ | 3 730 000 000 |
| ИБР-2 | Баяутский | Учтургон | 1 | 24 | 2 | "SHOXRUX DEMIRBEK" MCHJ | 3 730 000 000 |
| ИБР-3 | Баяутский | Учтургон | 1 | 24 | 3 | Консорциум "ISKANDAR GULISTON SERVIS" MCHJ и (Лидер) "BOYOVUT QURILISH SAVDO" MCHJ (Партнер) | 3 729 225 791 |
| ИБР-4 | Баяутский | Учтургон | 1 | 24 | 4 | Консорциум "JAVOHIR FARXOD HAMKOR SERVIS" XK (Лидер) и "ANVARBEK" MCHJ (Партнёр) | 3 719 595 415 |

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№26 (477) 2021 йил 6 апрель

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

## № 1

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 6 апрель.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Хоразм вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган “СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг қуйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Хоразм вилояти |
|---|
| **Манзил:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10.<br>**Телефон:** (62) 228-51-99.<br>**Факс:** (62) 228-51-99. |

6. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

“_______вилояти, ________ тумани, __________ массивидаги, ________ лот, ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.” шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Хоразм вилояти |
|---|
| **Банк:** АТ “Ипотека банк” Хоразм филиали<br>**Ҳ/р:** 2021 0000 2037 5594 7001<br>**СТИР:** 202 503 592 |

**7. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;

Лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

квартиранинг бир квадрат метрининг (1 $м^2$) реализация нархи;

кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

8. Танлов таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

| Хоразм вилояти хокимияти |
|---|
| **Манзил:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2.<br>**Телефон:** (62) 228-51-99.<br>**Факс:** (62) 228-51-99. |

9. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| Беш қаватли 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 500 | 875 | 1875 |
| Беш қаватли 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 100 000 000 | 1 800 000 000 | 450 | 600 | 1200 |
| Тўрт қаватли 24 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 600 000 000 | 2 200 000 000 | 200 | 350 | 600 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | |
| | Жами | | 1044 | | | | | | | |
| 60-хор | Боғот тумани | “Оқ-тепа” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 11.00 гача |
| 61-хор | Боғот тумани | “Оқ-тепа” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 11.00 гача |
| 62-хор | Боғот тумани | “Оқ-тепа” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 11.00 гача |
| 63-хор | Боғот тумани | “Оқ-тепа” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 11.30 гача |
| 64-хор | Гурлан тумани | “Чинобод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 11.30 гача |
| 65-хор | Гурлан тумани | “Чинобод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 11.30 гача |
| 66-хор | Гурлан тумани | “Чинобод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 11.30 гача |
| 67-хор | Гурлан тумани | “Чинобод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 12.00 гача |
| 68-хор | Қўшкўпир тумани | “Ёвгур” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 12.00 гача |
| 69-хор | Қўшкўпир тумани | “Ёвгур” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 12.00 гача |
| 70-хор | Қўшкўпир тумани | “Ёвгур” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 12.00 гача |
| 71-хор | Қўшкўпир тумани | “Ёвгур” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 12.30 гача |
| 72-хор | Ҳазорасп тумани | “Зеҳнли” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 12.30 гача |
| 73-хор | Ҳазорасп тумани | “Зеҳнли” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 12.30 гача |
| 74-хор | Ҳазорасп тумани | “Зеҳнли” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 12.30 гача |
| 75-хор | Ҳазорасп тумани | “Зеҳнли” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 13.00 гача |
| 76-хор | Хонқа тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 14.00 гача |
| 77-хор | Хонқа тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 14.00 гача |
| 78-хор | Хонқа тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 14.00 гача |
| 79-хор | Хонқа тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 14.30 гача |
| 80-хор | Хива тумани | “Шомохулум” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 14.30 гача |
| 81-хор | Хива тумани | “Шомохулум” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 14.30 гача |
| 82-хор | Хива тумани | “Шомохулум” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 14.30 гача |
| 83-хор | Хива тумани | “Шомохулум” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 15.00 гача |
| 84-хор | Шовот тумани | “Қирғоқ бўйи” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 15.00 гача |
| 85-хор | Шовот тумани | “Қирғоқ бўйи” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 15.00 гача |
| 86-хор | Шовот тумани | “Қирғоқ бўйи” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 15.00 гача |
| 87-хор | Шовот тумани | “Қирғоқ бўйи” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 15.30 гача |
| 88-хор | Янгиариқ тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 15.30 гача |
| 89-хор | Янгиариқ тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 15.30 гача |
| 90-хор | Янгиариқ тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 15.30 гача |
| 91-хор | Янгиариқ тумани | “Дўстлик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 16.00 гача |
| 92-хор | Янгибозор тумани | “Ифтихор” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 16.00 гача |
| 93-хор | Янгибозор тумани | “Ифтихор” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 16.00 гача |
| 94-хор | Янгибозор тумани | “Ифтихор” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 16.00 гача |
| 95-хор | Янгибозор тумани | “Ифтихор” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 16.30 гача |
| 96-хор | Тупроққалъа тумани | “Обод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 16.30 гача |
| 97-хор | Тупроққалъа тумани | “Обод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 16.30 гача |
| 98-хор | Тупроққалъа тумани | “Обод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 16.30 гача |
| 99-хор | Тупроққалъа тумани | “Обод” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 100-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 101-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 102-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 103-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 104-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 5 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 105-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 6 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 106-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 7 | 2021 йил 6 май, соат 17.00 гача |
| 107-хор | Хива шаҳри | “Ангарик” МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 8 | 2021 йил 6 май, соат 18.00 гача |
| 108-хор | Янгибозор тумани | “Дўстлик” МФЙ | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 6 май, соат 18.00 гача |
| 109-хор | Янгибозор тумани | “Дўстлик” МФЙ | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 6 май, соат 18.00 гача |
| 110-хор | Янгибозор шаҳарчаси | “Халқобод” МФЙ | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2021 йил 6 май, соат 18.30 гача |


# “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Андижон вилояти филиали

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдосига “Андижон Дори-дармон” АЖнинг 2021 йил 5 апрелдаги 01-04/122-сонли сўров хатига асосан, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уйда жойлашган қурилиши 2013 йил тугалланган, 2 қаватли, **умумий майдони** – 583,426 квадрат метр, **қурилиш эгаллаган майдони** – 420,49 квадрат метр, **баландлиг**и – 6,95 метр, **асосий хоналар сони** – 27 та 1-сонли дорихона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 2 592 209 000 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 6 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (шанба ва якшанба дам олиш кунлари). **Аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 5 май куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 6 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йилнинг 10, 13, 17, 20 май кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади. **Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 10 майдаги савдо учун 7 май, 13 майдаги савдо учун 12 май, 17 майдаги савдо учун 14 май, 20 майдаги савдо учун 19 май соат 18.00 гача.

Аукцион савдода қатнашиш истагини билдирган ҳар бир иштирокчи кўрсатилган ахборот-маслаҳат хизмати учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари, яъни 490 000 сўм миқдорида тўловларни амалга оширади. Шу билан бирга сотиб олинган мулкнинг 5 фоиз миқдорида комиссион тўловини аукционда ғолиб бўлган харидор томонидан сотилган мулк қийматидан ташқари амалга оширади.

**Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6053 3172 3014 АТ “Савдогар” банк МФО 00081 СТИР 308 112 732.

**Аукцион савдолар қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават, “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Андижон вилояти филиали.

**Телефон:** (74) 223-08-52, (93) 447-08-13.

*940529 рақамли гувоҳнома.*



Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги “Янгиобод” каналини реконструкция қилиш объектида “Бухоросувқурилишинвест” ДУК буюртмачилиги остида жорий йилнинг 15 март куни dxarid.uzex.uz ахборот порталига ЛОТ: 7090994 билан жойлаштирилган эълон бўйича талабгорлардан пакетларни қабул қилиш муддати 2021 йил 25 март куни этиб белгиланган.

Мазкур лойиҳа бўйича лойиҳачи талабгорлардан пакетларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 6 апрель куни соат 16.00 га қадар узайтирилганини маълум қилади.

# Қурилиш қонунчилигидаги янгиликлар

**Ғофуржон СОЛОМОВ,**
Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи.

**Ҳар бир соҳа тараққиётида унга тааллуқли қонун ва фармонларнинг аҳамияти катта. Уларга асосланган ишлар эса тез ва осон ҳал бўлади. Хусусан, қурилиш соҳасида ҳам кейинги пайтда кўплаб янги қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Улардан бири Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридир.**

Унда белгиланишича, эндиликда қурилиш соҳасида давлат харидларини ўтказишда танлов ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиш талаб этилмайди. Қолаверса, электрон танлов (тендер) савдоларини амалга ошириш учун танлов ҳужжатлари ва техник вазифалар фақат товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ҳамда уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича комплекс экспертизадан ўтказилади. Шунингдек, танлов савдоларида жорий йил учун молиявий мажбуриятлари ҳажми қурилиш-пудрат ташкилотларининг сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилида бажарилган энг йирик ишларнинг 1,5 бараваридан ошган оферентлар иштирок этмаслиги ҳам белгилаб қўйилган. Танлов натижалари бўйича шартномада белгиланган нархга нисбатан сифати ва ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда тежалган маблағлар пудрат ташкилоти тасарруфида қолдирилади.

Шу билан бирга, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ҳамда танловларни ўтказиш бўйича махсус ахборот портали операторлари ўртасида электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилади. Қурилиш қонунчилигидаги яна бир ўзгариш, Кадастр паспортини тайёрлаш масаласи билан боғлиқ. "Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорда кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Унга кўра, кўчмас мулк объектини кадастр ҳисобига олиш ва кадастр йиғмажилдини шакллантириш натижасида кўчмас мулк объекти бўйича электрон шаклда кадастр паспорти расмийлаштирилади. Ариза берувчи кадастр паспортини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтади.

Кадастр йиғмажилди шакллантирилгандан сўнг, кадастр паспортини бериш учун тўлов миқдори қиймати кўрсатилган хабарнома (инвойс) Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига электрон шаклда юборилади. Ариза берувчи хабарномани олгандан сўнг 1 ой мобайнида тўлов қийматини тўлайди.

Кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи кадастр йиғмажилди (паспорти) мавжуд бўлиб, бегоналаштирилганда ёки объектда ўзгаришлар (реконструкция, қўшимча ва алоҳида қурилиш) содир этилмаганда ҳамда кўчмас мулк объектининг бир қисми бегоналаштирилганда объектнинг қолган қисмига ёки реконструкциясиз тоифаси ўзгарганда, кадастр йиғмажилди (паспорти) йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда) расмийлаштириш бепул амалга оширилади. Бу ҳолатда кадастр паспорти 3 иш куни мобайнида расмийлаштирилади. Қоғоз шаклидаги кадастр паспорти Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали, пластик шаклдагиси эса фақат Давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади.

### КАДАСТР ПАСПОРТИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

**Кўчмас мулк объектларининг турар жойга оид қисми бўйича қуйидаги муддатларда амалга оширилади:**

- кўп квартирали уйдаги квартира – 3 иш кунигача;
- якка тартибдаги турар жой – 5 иш кунигача; (илгари бу муддат тегишлича 7, 10 кун эди).

**Кўчмас мулк объектларининг нотурар жойга оид қисми бўйича:**

- умумий майдони 100 квадрат метргача – 5 иш кунигача;
- умумий майдони 100 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача – 7 иш кунигача;
- умумий майдони 1000 квадрат метрдан 5000 квадрат метргача – 10 иш кунигача;
- умумий майдони 5000 квадрат метрдан 15000 квадрат метргача – 15 иш кунигача;
- умумий майдони 15000 квадрат метрдан 50000 квадрат метргача – 20 иш кунигача;
- умумий майдони 50000 квадрат метрдан ортиқ – 25 иш кунигача (илгари бу муддат тегишлича 10 кундан 45 кунгача бўлган).

# СЕРҚИРРА ТАДБИРКОР



**Ҳилола ИСМАТОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қизилтепалик Озод Жабборов тадбиркорлик соҳасида кўникмаларини ишга солиб яхши натижаларга эришяпти. У раҳбарлик қилаётган Навоий шаҳар 151-сонли қурилиш-монтаж поездида 86 нафар ходим фаолият олиб боради. Ҳозирги кунда корхонада 100 нафар доимий ва шартнома асосидаги мавсумий ишчининг бандлиги таъминланган. Корхона тасарруфидаги минорали кран, автокран, КамАЗ, экскаватор, "МАН" самосвали, трактор-юклагич, "Т-130" юк машинаси ва енгил автомашиналар иш унумдорлигини оширишда хизмат қиляпти.**

Йилдан-йилга қурилиш ишлари кўламининг кенгайиб бориши корхона даромадлари ошишида муҳим омилга айланиб, ҳар йили соф фойда ўртача 200-300 млн сўмга етмоқда. Тадбиркор корхона фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кўплаб чет давлатларда бўлиб, ишлаб чиқариш, бунёдкорлик ишлари бўйича ўтказилган кўргазмаларда қатнашмоқда. Жамият тасарруфида 2 та новвойхонанинг ишга туширилгани ана шундай ютуқлардан биридир. Ҳар ойда ўртача 4-5 тонна унни қайта ишлаш қувватига эга цехларда нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб ички бозорга етказиб бериляпти.

Шунингдек, шлакоблок, ФСБ темир-бетон қопламалари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Навоий шаҳрида янги иш бошлаган цехга 100 минг АҚШ долларига Хитой давлатидан ускуналар олиб келиб ўрнатилиши натижасида 40 дан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилди. Тадбиркорнинг ушбу ташаббуси қурилиш материалларини шу жойда ишлаб чиқариш имконини яратди ва тежамкорлик, иш унуми ортди. Серқирра фаолият олиб бораётган ишбилармон шу билан чекланиб қолгани йўқ. Вилоят марказида "Зиё-Шифо" МЧЖ диагностика марказининг ишга туширилгани аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида яна бир қадам бўлди. Бу соҳага асосан касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар жалб этилган.

Охирги уч йилда корхона томонидан 30 дан ортиқ объект янгидан барпо этилди, 8 та объектда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган ва 5 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. МЧЖ ҳамда Навоий шаҳар ҳудудидаги бир қатор коллежлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши натижасида 97 нафар ёш мутахассис қурилиш объектларида амалиёт ўтаб, касб кўникмаларига эга бўлди.

Корхона томонидан ҳомийлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда 300 млн сўмдан ортиқ маблағ таълим-тарбия ва болалар спортини ривожлантириш ҳамда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.



– Меҳнатимиз самараси юртимиз ва халқимизга наф келтирса қувонаман, – дейди Озод Жабборов. – Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилган имтиёз ва имкониятлар туфайли ишимиз ривожланмоқда.

# Ёшлар маънавияти муҳим масала

**Насиба ОРИПОВА,**
ТАҚИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти.

**Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар асосидаги беш ташаббус чин маънода имкониятларни юзага келтиряпти.**

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам ёшларнинг маънавиятини ошириш, ўзбек тилига бўлган ҳурматини янада юксалтириш мақсадида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказяпти. Улар доирасида мактабда фаолият юритаётган ўқитувчилар малакасини ошириш ва таълим сифатини яхшилашга қаратилган ишлар мунтазам равишда ўтказилиши ҳам эътиборга молик. Профессор-ўқитувчиларимиз бу гал Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 50-умумтаълим мактабида бўлиб, ўқитувчилар учун маҳорат сабоқларини ташкил этишди.

Педагогларга таълим сифатини ошириш жараёнларида замонавий технологияларнинг ўрни, интерфаол усулларни дарсларда қўллашнинг самаралари бўйича амалий кўрсатмалар берилди. Шунингдек, мактаб ўқувчилари иштирокида Беш ташаббус доирасида "Ёшларни мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириб, истеъдодини юзага чиқариш" бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Ўқувчилар томонидан халқимизнинг ардоқли ижодкорлари Эркин Воҳидов, Зулфияхоним, Ҳамид Олимжон, Ғофур Ғулом қаламига мансуб шеърлар ўқилгани барчада катта таассурот қолдирди. Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчиларни муносиб рағбатлантириш мақсадида уларга ташкилотчилар томонидан китоблар тақдим этилди.

## Самарқанддан дараклар

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

# Муз саройи чорлайди

Самарқанднинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштириш мақсадида Нарпай кўчасида "Family park" МЧЖга қарашли оилавий инновацион савдо кўнгилочар маркази фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа қиймати 57 миллиард сўмни ташкил этган кўп тармоқли мажмуа 6,3 гектардан иборат бўлиб, унда 1 850 ўринли муз саройи, океанариум, тўртта кинотеатр, расмлар галереяси, картинг, 83 та савдо дўкони, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш масканлари, болалар ўйингоҳлари, овқатланиш шохобчалари, медиапарк ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи иншоотлар жойлашган.

Инновацион боғни барпо этишда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланилиб, ҳудуднинг табиий шароити ва имконияти эътиборга олинган ҳолда замонавий қурилиш материаллари ва технологиялар қўлланилди.

# Дўстлик уйи

Самарқандда "Дўстлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари уйи" аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Унда музей ва шаҳарда истиқомат қилаётган 100 дан зиёд миллат вакиллари хоналари, тадбирлар уюштириш заллари мавжуд. Миллий маданий марказлар ва ННТ ходимлари учун янги автобус ҳам ҳадя этилди.

# Вилоятдаги энг катта мактаб

"Қорасув" массивида аҳолининг ижтимоий-маданий шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Яқинда бу ерда вилоятдаги энг катта – 1 680 ўринли умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.

Тўрт қаватли бинонинг умумий майдони 3,5 минг квадрат метр бўлиб, 100 дан зиёд синфхона, анжуманлар, спорт заллари, касб-ҳунар ўргатиш хоналари, ошхона, кутубхонадан иборат. Инвестиция дастурига мувофиқ 31 миллиард сўм маблағ сарфланган ўқув муассасаси қурилишида "Agromir Buildings" МЧЖ бинокорлари шижоат кўрсатди.

# Таъсирчан чоралар туфайли

## ноқонуний қурилишлар бартараф этиляпти

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ҳудудларда шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада шаҳар ва туманларда тузилган ишчи комиссиялари фаолияти тобора кенг кўлам касб этиб, ҳар бир маҳалладаги ҳолат атрофлича ўрганиляпти.**

2021 йил бошидан бери вилоят ҳудудида 690 та ноқонуний қурилмалар аниқланди. Уларнинг 390 таси ҳудудий комиссиялар томонидан бартараф этилди, 276 та объект бўйича эса иш давом этмоқда. 24 та ноқонуний қурилиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан судга даъво аризаси киритилган.

Аммо масалага жиддий ёндошилса, ҳамма ерда ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда иш кўрилмоқда, деб айтиш қийин. Масалан, Наманган шаҳрида йилнинг ўтган даврида ишчи комиссияси томонидан 85 та ноқонуний қурилиш аниқланди ва 84 таси бартараф этилган. 1 таси бўйича иш давом этмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилда аниқланган, лекин бартараф этилмаган 48 та ноқонуний қурилмалар бўйича таъсир чоралари кўрилмаган. Бундай объектлар сони Косонсойда 5 тани, Норинда 14 тани, Учқўрғонда 36 тани ташкил этмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Наманган шаҳрида қурилаётган 2 та кўп қаватли бинода қурилиш қоидалари қўпол тарзда бузилгани аниқлангани ҳақида хабар эълон қилинди. Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан берилган маълумотга кўра, чиндан ҳам "Мукаммал қурилиш саноат сервис" МЧЖ томонидан қурилаётган Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган кўп қаватли турар жой биноси қурилишида сифатсиз қурилиш-монтаж ишларини бажариш, лойиҳа ва қурилиш меъёрларидан чекиниш ҳолатлари юз берган. Ҳатто лойиҳада тўққиз қават қилиб қурилиши назарда тутилган объектнинг ўнинчи қавати ҳам тикланган. Табиийки, бу иш ўзбошимчаликда, ҳеч ким билан келишмаган ҳолда амалга оширилган.

Бу борадаги маълумотлар вилоят прокуратураси, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Наманган шаҳар ҳокимлигига чора кўриш учун юборилган. Буюртмачи-пудратчи ташкилотга эса қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш хати берилган. Шу йилнинг ўзида уч марта камчиликларни тугатиш юзасидан ёзма кўрсатмалар тақдим этилган. "Мукаммал қурилиш саноат сервис" МЧЖ раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди, аммо ҳозиргача вазият ўзгармаган.

Шунинг учун ўтказилган ўрганиш якунлари бўйича судга даъво аризаси киритилди. Суд ушбу ҳолат юзасидан далил ва ҳужжатларни кўриб чиқиб, даъвони қаноатлантирди ва объектда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш тўхтатиладиган бўлди. Лойиҳага хилоф равишда қурилган 10-қават демонтаж қилинади, яъни бузилади. Бу ишларнинг харажати буюртмачи ва пудратчининг зиммасига юкланди.

"Ножўя иш – келтирар ташвиш" деганлари шу бўлса керак-да!..

# Таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди

**Марат УЛПЕТОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги "Арал" МФЙ ҳудудида 17-сонли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**





Инвестиция дастурига киритилган 100 ўринли мазкур бинонинг қурилишига 3,5 миллиард сўм маблағ ажратилиб, "PROF STORY" МЧЖ томонидан қисқа фурсатда сифатли қуриб битказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу мактабгача таълим ташкилотига ишга қабул қилинган 10 нафар ёшлар Президентимизнинг ташаббуси билан Мўйноқ туманига берилган имтиёз асосида олий ўқув юртларидаги сиртқи бўлимда билим олмоқда.

Шу куни тумандаги "Жайҳун" МФЙда ҳам 16-сонли мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси очилди. Бино қурилиши учун 2,8 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилган.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№26 (477) 2021 йил 6 апрель

# “ДАРЁ ТОШҚИН, СУВЛАР ТЎЛҚИН – ЎТОЛМАЙМАН!”

## ёхуд бозорлардаги “стоянка” муаммолари тугайдими?



**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шарқона бозор маданияти халқимизнинг қадим анъанаси ва маиший ҳаётининг ажралмас бўлагидир. Хорижий давлатларда бозорларнинг ўрнини аллақачон йирик савдо марказлари – супермаркетлар эгаллади. Бу жойларда автотураргоҳлар ертўла ёки кўп қаватли бинолар шаклида қурилади. Чет элдан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда йирик эскича бозорлар ҳали-ҳамон савдо-сотиқда асосий ўринда турибди. Аммо бозорлардаги баъзи муаммолар ҳам эскилигича қолмоқда.**

Яқинда Нўъмонжон аёли билан Эски Жува бозорига тушадиган бўлди. Борса, “стоянка”да сув гўё дарё бўлиб оқяпти.

– Дадаси, машинани йўл ёқасида қолдираверинг, – деди аёли автотураргоҳнинг танг аҳволини кўриб.

– Тўғри айтасан, шундай қилганимиз маъқулроққа ўхшайди!

Нўъмонжон уловини йўл ёқасида қолдириб, иккиси бозорга йўл олишди. Кун хўп яхши ўтди. Токи... Токи уйига Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБдан “мактуб” келмагунча.

– Хотин, мошинани “стоянка”га киритсак бўлар экан. Қара, йўл бўйида қолдирганимиз учун жарима ёзишибди. Расво бўлсин эди – беш-ўн сўмга ювиб беришарди...

Нўъмонжоннинг кўнгли хижил бўлди. Азбаройи ўша куни уловини Эски Жуванинг хароб “стоянка”сига киритмагани учун...

Болалигимизда телевизорда хориж шаҳарларидаги автомобиль тирбандликларини кўриб, ҳайрон бўлар эдик. Буни қарангки, бугун Тошкент шаҳри ҳам шундай шаҳарлардан бирига айланиб улгурди. Пойтахтда аҳоли сонига параллел равишда автомобилларнинг ҳам кўпаяётгани турнақатор тирбандликларни юзага келтиряпти. Бундай вазиятнинг юзага келиши эса, уловларни сақлаш учун янги майдонлар – автотураргоҳлар қуриш, борларини кенгайтириб, сифат даражасини оширишни тақозо этади. Афсуски, бош шаҳримизда бу муаммолар ҳамон ечим топганича йўқ. Бу камчиликлар, кўпроқ, бозорлар атрофидаги ҳудудлар ва шу жойлардаги автотураргоҳларда яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, шаҳарнинг кўп минг йиллик рамзларидан бири – Чорсу ва Эски Жува бозорларидаги айрим “стоянка”ларнинг аҳволини кўриб ранжийсиз. Айниқса, ёғингарчилик мавсумларида мазкур автотураржойларнинг асфальт юзаларида чўкишлар кўпайиб, катта-кичик кўлмаклар юзага келади. Нега айнан Чорсу? Чунки бу ерлар Тошкентнинг қалби. Дунёнинг қайсидир бурчидан келган турист, биринчи навбатда, Чорсудаги бозорларга ошиқади. Балким, айрим сайёҳларнинг бу ҳудуддаги тартибсизликларни – сифатсиз автотураргоҳларни кўриб, ҳафсаласи пир бўлгандир! Шу кунларда ёмғир маҳали ушбу бозорларга йўлингиз тушса-ю, ўйдим-чуқур автотураржойга йўлиқсангиз ўша машҳур қўшиқни эслайсиз: “Дарё тошқин, сувлар тўлқин – ўтолмайман”.

Мазкур мавзуни ёритиш учун Чорсу ва Эски Жува бозорларига бориб, очиғи, бош шаҳримизнинг кам-кўстсиз мегаполисга айланиши учун ҳали кўп “қовун пишиғи” борлигини сездик. Бозорнинг тим, миллий кийимлар ва гул бозорларидаги тартибсиз расталарини қўяверинг. Ушбу бозор қисмлари оралиғида жойлашган “Эски Жува” АЖ деҳқон бозорига қарашли ўрта сиғимли “стоянка”лардан бирининг аҳволи



ҳақиқатан жуда ачинарли ҳолатда бўлиб, автомобилларнинг кўп қисми кўлмакларда қолдирилган эди. Мана шу жараёнда автотураргоҳлардаги дақиқабай, соатбай нарх-навога қизиқдик. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдори: енгил автомобиллар учун энг ками 20 минутгача икки минг сўм, энг кўпи 4 соат ва ундан ортиқ вақт учун ўн минг сўм; юк автомобиллари учун эса тенг равишда энг кам вақт учун тўрт минг сўм, энг кўп давр учун эса ўн икки минг сўм миқдорида баҳоланган.

Албатта, ушбу маблағлар арзимасдек кўрингани билан бу майдонларга ҳар дақиқа автомобиль кириб-чиқишини ҳисобга олсак, яхшигина маблағ йиғилишини тахмин қилиш мумкин. Қолаверса, автостоянкалардаги тушум-даромадларнинг юқори бўлиши барчамизга маълум. Афсуски, Эски Жувадаги “стоянка”нинг маблағлари нималарга йўналтириляпти, буниси бизга қоронғи! Бу масалага қизиқиб назоратчидан “стоянка”нинг “Эски Жува” АЖ деҳқон бозорига қарашли эканини сўраб билдик. Маъмурият билан кўришиб, автотураргоҳнинг аҳволи ва тақдири ҳақида қизиққанимда ўзларини четга олишди. Маъмуриятдагилар бу майдон шаҳар ҳокимиятига – “Poytaxt avto parking” жамиятига қарашли эканини рўкач қилишди. Масаланинг кетини қўймасдан, “Poytaxt avto parking” масъули билан боғландик ва Эски Жувадаги автотураржой бозор маъмуриятига қарашли эканини аниқладик. Бу қандай фильм? Билмадим! Автотураргоҳнинг “эгаси йўқ”! Нега бизникилар очиқликдан қўрқади экан? Демакки, яширадиганлари кўпки, ошкораликдан чўчишади. Нима бўлганда ҳам давлатимизнинг олд сиёсати ошкоралик ва ободлик бўлиб турган бир пайтда бунақа ҳолатлар ортиқчадек кўринади. Эски Жуванинг ободлиги – Тошкентнинг ободлиги. Буни бажариш мушкул эмас. Автотураржой тушумларидан бир қисмининг баҳридан ўтиш билан ушбу ҳудудни серфайз масканга айлантириб қўйиш мумкин-ку. Инвентаризация жараёнлари қай йўсинда амалга оширилади, аниқ эмас! Буни тушуниш учун “калла”нинг ишлаш даражаси – IQ 130 дан ошиши талаб этилмайди.

Қўлтиғимдан тарвузим тушиб Эски Жувадан “Чорсу” буюм бозори ҳудудидаги “стоянка”га ўтдим. Ҳарна тузукроқ, инвентарлардаги шартли чизиқлар унуқмаган. Кўнглим кўтарилди. Токи автотураргоҳга кираверишдаги кенг майдоннинг шудгор бўлиб кетганини кўргунимча...

– Бозор маъмурияти қаерда? – қизиқдим назоратчидан.

– Ким керак? – дея сўради назоратчи.

Газетадан эканимни ва автотураргоҳлар аҳволи ҳақида маълумот йиғаётганимни айтганимда, назоратчи куймаланиб гапириб қолди.

– “Стоянка”ни мавсумлар оралиғида таъмирлаймиз. Бу туришига эътибор берманг, – деди ёзғирган бўлиб. – Шу асфальти кўчган ерларни ўтган кузда тўғрилаган эдик. Бу ерга юк машиналар кўп келади. Кўчиб кетади-да...

Кузда ётқизилган асфальт беш-олти ойда кўчиб кетган бўлса, у асфальтнинг – автотураржойнинг сифатини қайси ташкилот текшириб боради ва нега бу ҳолатларга чора кўрилмайди?! Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида йигирмага яқин катта-кичик бозорлар бўлиб, буларда қирққа яқин автотураргоҳлар мавжуд. “Чорсу” ва “Эски Жува” каби йирик бозорларда бундай ачинарли ҳол битмаган экан, ҳарна “кўздан пана” бозорлардаги “стоянка”лар инвентаризациясининг аҳволи қандай экан? Пойтахтдаги ҳар бир бозорнинг иқтисодий даромадларида шаҳар ҳокимлигининг ўрни бор. Хўш, ҳокимлик нега шу пайтгача бу вазиятга ечим топмаяпти?

– Авваллари бозорлардаги кўплаб автостоянкалар мустақил корхоналар ёки мавжуд бозор маъмуриятлари томонидан бошқарилган, – дейди “Poytaxt avto parking” МЧЖ бош мутахассиси Фазлиддин Муҳитдинов. – Натижада солиқ ва даромадларнинг “яширилиши”, автотураргоҳларнинг моддий-техник кўринишига эътиборсизлик каби ҳолатлар урчиган. 2015 йилдан буён пойтахт бозорларидаги автотураргоҳлар кетма-кетликда бизнинг жамият ихтиёрига ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда жамият назоратида Тошкент шаҳридаги бозорлар ҳудудига қарашли 20 та автотураргоҳ мавжуд бўлиб, уларнинг таъмири, техник базаси, имкониятлари автотураргоҳларнинг эски ҳолатидан тубдан фарқ қилади. Жамиятимиз ва унинг назоратидаги “стоянка”лардаги вазиятларни ўрганиш, ҳолатини текшириб бориш Муниципал активларни бошқариш маркази томонидан назорат қилиб борилади. Текширувлар “Poytaxt avto parking” МЧЖ тасарруфидаги автопарклар учун тааллуқли бўлиб, хусусий ва бизга алоқадор бўлмаган майдонлар бундан холидир. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги мавжуд бозор ҳудудларида кўплаб мустақил хусусий жамиятлар томонидан бошқарилаётган автотураргоҳлар мавжуд. Бунинг натижасида соҳада қонунга хилоф ҳаракатлар кўп учрайди. Шундай автотураргоҳлардан ўттизга яқини ҳозирда бизга маълум. Бу автотураргоҳларда даромадлар шаффофлиги таъминланмаган. Масалан, илгари айрим автотураргоҳларнинг ойлик тушумлари 30-40 миллион сўм атрофида кўрсатилган бўлса, улар “Poytaxt avto parking” масъулияти чекланган жамияти ихтиёрига берилганидан сўнг ойлик даромад 150-200 миллион сўмга ёки 400 фоизга ошди. Бу рақамлар ноқонуний ёки “яширин” бюджетли автотураргоҳларнинг давлат учун ҳам фойдасиз эканини кўрсатади.

Албатта, балки, баъзи номақбул унсурлар кўзимиз ва қалбимизни шамғалат қилиб, пировардида масъулият ва юрт ободлигидек юксак туйғуларни сезмай қолишяпти, шекилли. Назаримизда бу соҳалар ва уларни бошқариш мураккаб алгоритм бўлса керакки, авом ушбу алгоритм – масалани еча олмаяпти. Қачон ушбу масалаларни ечамиз, буниси номаълум...

# Македонскийни лол қолдирган гидротехник иншоот

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Юртимизда ерларни суғоришнинг ўзига хос хусусияти ва гидрографияси қадим замонларга бориб тақалади. Ўтмишда аждодларимиз адирлар ва тоғ этакларида юзлаб қудуқларни бир-бирига туташтирган антиқа ирригация иншооти – коризлар воситаси билан ер ости сувларини юзага чиқариш орқали деҳқончиликда фойдаланишган. Ҳозирги кунга қадар Нурота туманида мана шундай ирригация иншоотлари сақланиб қолган ва баъзи ҳолатларда улардан фойдаланилмоқда.**



Кориз – ер ости сув иншооти бўлиб, уни қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб. Қуриш жараёнида асосан қўл меҳнатидан ташқари, ер ости сувларининг тўпланадиган қатлами, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни аниқлаш талаб этилган. Коризларнинг пайдо бўлиши ҳақида нуроталик тарихчи Шавкат Исмоилзода шундай дейди:

– Эрамиздан олдинги 329-327 йилларда Ўрта Осиёга бостириб кирган Александр Македонский Нурота заминида бу кўҳна иншоотни кўпайтиришга ҳисса қўшган. Афсоналарга кўра, Искандар Зулқарнайн Зарафшон водийсига қўшин тортиб келганда, 366 ҳарбий қисм саркардасига ўз отряди билан ҳар бири биттадан кориз кавлаши ҳақида буйруқ берган. Натижада 366 та кориз ковланиб, Оқтоғ этакларига сув чиқарилган. Шубҳасиз, бу фақат афсона эмас, балки Нуротанинг табиий шароити, жумладан, унинг гидрогеологияси устида маҳаллий аҳолининг узоқ вақт олиб борган кузатишларидан тўпланган билимнинг натижаси ҳамдир. Аслида, аждодларимиз бу ишни Искандар Зулқарнайн босқинидан анча олдин ўзлаштирган. Баъзан бу ҳолат Искандар номи билан боғлаб кўрсатилса-да, Нур халқининг сув манбаларини излаб топиш йўлида олиб борган заҳмати тарихдан маълум. Шу тариқа Нурота коризлари икки хил таърифланади, Искандарий коризлар ва маҳаллий коризлар деб.

Кориз чиқаришда тажрибали коризчи ирригаторлар даставвал қияликнинг баландроқ еридан ер ости сувигача шахмат усулида бир неча қудуқ қазишган. Қудуқлардаги сув вақти-вақти билан белгиланиб турилган. Ер ости суви тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган февраль ойида ковлашга киришилган. Дастлаб нивелировка қилиб кориз трассаси белгиланган ва шу йўналишда ҳар 10 метрда қатор қудуқлар ковланган. Ер ости сувларининг тўпланган қатламига қараб сув чиқадиган бош қудуқнинг чуқурлиги 18-20 метр, баъзан ундан ҳам ошиқроқ бўлган. Қудуқлар тоннель орқали бир-бири билан туташтирилган. Бош қудуқлардан йиғилган ер ости сувлари мана шу тоннель орқали ер юзига оқиб чиққан.

Нурота коризлари ҳозирги кунда ташландиқ ҳолга келиб қолган ва фақат Калта-кориздан сув оқиб турибди. Ҳозир ҳам коризларни тозалаб, сув чиқарса бўлади, аммо бу иш жуда оғир меҳнатни талаб этади. Қадимда коризда бир меъёрда сув оқиб туриши учун ҳар йили тозаланиб, таъмирланиб турилган. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир иш ҳисобланган. Кориздор деҳқонлар ҳар йили эрта баҳорда коризнинг ичида сув кечиб, лаҳм ва қудуқлар ичига чўккан лойқаларни қазиб чиқарган.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Апрель ойининг дастлабки кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси **Дилмурод Элибоев,** етакчи мутахассис **Бекзод Эргашев,**

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Азиз Ҳомидов,**

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Дурбек Сулайманов,** иш юритувчи **Муниса Шарипова,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Бекзод Ахмедов,** қоровул **Ойбек Нурматов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиали компьютер бўйича мутахассис **Вераника Соколенко,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Азамат Асатуллаев,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис **Неъматжон Рахимжонов,** Пискент тумани Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Гулбаҳор Атамуродова,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Хабиб Зокиров,** бўлим бошлиғи **Мохир Алимов,** етакчи инспектор **Шерзод Исакулов,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фарроши **Зулхумор Аметова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Ҳунар – ҳунардан зар унар

**Илҳом БОБОЖОНОВ,**
Хоразм вилояти “Ҳунарманд” бошқармаси раҳбари.

**Кейинги йилларда банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш даражаси бир қадар юксалди. Хоразм вилояти “Ҳунарманд” уюшмасидан рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиш истагини билдирганлар ҳам 2 212 нафарни ташкил қилиб, улар бу ерда ҳунармандчилик сирларини ўрганмоқда.**

Миллий ҳунармандчилигимизда кулолчиликнинг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди. Қарорга кўра, 2021–2023 йилларда кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича истиқболли режа кўрсаткичлар тасдиқланди. Янгидан ташкил этиладиган кулолчилик марказларидаги турар ва нотурар жойлар учун мол-мулк ва ер солиғи ставкаларида имтиёзлар ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, “Ҳунарманд” бошқармаси аъзолари ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган миқдорларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилди. Ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган 68 нафар хотин-қизларимизга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. 2021 йил 1 апрелгача уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилди. Ҳар йили “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда янги турмуш қураётган 100 минг нафар хотин-қизларга режа бўйича кулолчилик маҳсулотлари тўпламини совға қилиш тизими йўлга қўйилди.

Бу каби ишлар аҳолининг маиший истеъмолида ҳунармандларимизнинг ролини ошириш ва ўз ўрнида, асрий фаолият тури ҳисобланган ҳунармандчиликнинг келажагини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Мақсадимиз ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашни янада кенгайтириш, шу орқали Хоразм воҳасининг ўзига хос “бренди”ни яратишдан иборат.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 23.45. Топширилди – 00.40. 1 2 3 4 5 6